

Хўжагелди АЛИМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
доценти, психология фанлари номзоди

Учқун МАМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
1-курс магистранти

ЭЪТИҚОД МАСАЛАСИНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Инсон зоти дунёга келиб то ўзининг ким эканлиги ҳақидаги ўй-фикрлар билан мушоҳада қилишни бошлаши ва атроф-муҳитни англаши жараёнида шахснинг бу дунёга нисбатан маълум бир муносабатни шаклланиши жараёни жуда хилма-хилдир ҳамда ўзига хос индивидуал кўрсаткичлар билан баҳоланиши мумкин. Буни биз ўзимиз яшаётган ҳозирги давр миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва мана шу ўзгаришлар самарасида инсонларнинг дунёқарашларидаги фарқланувчи жиҳатлар билан кўзга ташланаётган унсурларда кўрмоқдамиз. Биз айтаётган бу унсурлар шахс шаклланиши жараёни унинг ҳаётга бўлган муносабатини ифадаловчи ҳамда унга мазмун берувчи муҳим жиҳатлардан бири десак адашмаган бўламиз. Таъкидлаш жоизки ҳар бир шахсдаги маълум бир дунёқараш ва у билан боғлиқ меъзонлар шаклланишида унинг оилавий муҳити, ҳаётий тажрибаси ёки ижтимоий келиб чиқиши, хаттоки унинг насл-насаби ҳам белгиловчи омил сифатида қаралиши мумкин. Негаки инсондаги биз билган ва кўпинча аҳамият бермайдиган кўпгина

психологик кечинмалар ва ўзига хос индивидуал хусусиятлар шахс яшаб турган муҳит таъсирида шаклланиши мумкинлигини илм-фан ҳам тасдиқламоқда. Бу ҳодисани психология фанида онтогенез психологияси ёки бошқача қилиб айтганда ёш давлари психологияси фанида алоҳида тадбиқ этилади. Қуйидаги келтирилган фикрларда ҳам буни кўришимиз мумкин: “Жаҳон психологияси фани маълумотларининг кўрсатишича, эътиқод – ҳулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод-шахсни ўз қарашларига, тамойилларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни – бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиши демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирда шахснинг дунёқарашини сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ”¹. Айтиб ўтилган фикрлардан шу нарса ойдинлашадики, шахснинг эътиқоди унинг дунёқарашини шаклланишида ҳамда атроф-ҳодисаларга нисбатан маълум бир ҳулосалар яшаш жараёнида ҳам етакчи ролни ўйнайди. Нега деганда ҳозирги даврга келиб айниса, ёшларнинг дунёқарашини шаклланишида ва ҳаётда ўз ўрниларини топишларида маълум бир маънода биз мулоҳаза юритаётган эътиқод ва у билан боғлиқ жараёнларнинг таъсири сезиларли даражада ўсганлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар бир жамиятдаги шахс ёки фуқаро атрофдаги воқеа-ҳодисалардан узилиб яшаши мушкул бўлгани каби ўзидаги ички кечинмаларга нисбатан ҳам маълум бир муқобил ечим топиш истаги туғилади. Фикримизни янада ойдинлаштирадиган бўлсак, инсон зоти жамиятнинг бир аъзоси сифатида ўзини тўла қонли ҳис қилиши учун ундаги билимлар, ҳаётий тажрибалар билан бир қаторда маълум бир тусдаги ғояга ёки бўлмаса таълимотга нисбатан ишонч ҳиссининг шаклланганлиги ёхуд шаклланмаганлиги ҳам шахснинг у яшаб турган

¹ Ғозиев Э. Онтогенез психологияси-Назарий-экспериментал таҳлил. Монография-Тошкент: Ўз.Мил. Универ., 2010.-Б 222

жамиятдаги ўрнини кўрсатувчи омиллардан биридир. Ўз навбатида шахсда эътиқод тушунчаларининг шаклланиши жараёнига ҳам турлича таърифларни келтиришимиз мумкин. Мисол учун диний эътиқод шаклланишига туртки бўлувчи омилларга психологик нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, диний эътиқод одам учун ҳамдарлик, ички диалогда мувозанат, рухий такомиллашув, келажакка ишонч, хотиржамлик муҳим. Дин одамга асосий рухий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Атеизм бўйича олиб қарайдиган бўлсак, диний эътиқод ғайритабиий кучлардан шахсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ёки бўлмаса атроф-оламдаги тушунарсиз нарсаларни ўзи учун тушунтириш сифатида талқин қилинади. Теология фани назарида эса диний эътиқод ҳаётдан кейин содир бўладиган ҳодисаларда одамнинг жазодан қутилиб қолиши, қутқарилиши учун асосга эга бўлишига интилиши ҳодисасидир.

Шахс дунёқараши ва эътиқоди мазмун-моҳиятини янада кенгрок очишга ҳаракат қилар эканмиз куйидаги фикрлар билан боғлиқ мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчимиз: “Эътиқоднинг мазмуни у фаолият кўрсатадиган турли соҳаларда турлича бўдиб, аниқ ҳаракат предмети билан боғлиқдир. Ҳеч бир одам. Агар у ҳеч нарсага – жоннинг қутқарилишига, жаҳон инқилобига, билимнинг кучига, Инсонга ва ҳоказоларга ишонмас экан, тўлақонли биоижтимоий объект сифатида мавжуд бўлолмайди. Инсонга табиий майл, рефлекс, идрок, ақлдан ташқари нимагадир ёки кимгадир – тақдирга, ялпи бахтга эришиш мумкинлигига ва бошқа шу қабилага ишониш хусусияти хосдир.”² Демак бу фикрлардан биз шуни англашимиз мумкинки шахснинг теваарак атрофга бўлган муносабати ва ишончи унинг оламни англаш йўлидаги ўзига хос дунёқараши сифатида ҳам ифодаланар экан. Бу фикрларни тўлдирувчи сифатида эътиқодни намоён бўлиш шаклига кўра ҳам фарқлашимиз ўринли бўлади албатда. Дунё психологияси адабиётларида ва бошқа кўпгина илмий манбаларда куйидаги қарашларни учратишимиз мумкин бўлади. Уларда эътиқодни дунёвий ва диний тусдаги кўринишда намоён бўлиши таъкидлаб ўтилади. Чунончи “Америкалик файласуф

Ж.Леуба “Психологияда диний феноменлар”, “Худого эътиқод ва абадиёт” каби асрларида дин инсоният тарихида фақат алдов учун қўлланилиб келинган, ҳеч қандай ғайри табиий куч қудратга эга куч бўлиши мумкин эмас, бўлса ҳам бу куч инсон бош мияси маҳсулидир, деган ғояларни илгари суради. У диннинг маърифий, таълимий ва маънавий томонларини ажратиб олиб, қоган қисмидан воз кечган ҳолда, янги динни тузишга чақиради. Лекин унинг бу назариясини ҳеч ким қўлламайди.”³ Динга ва у билан боғлиқ эътиқодий қарашларга нисбатан бошқа бир Америкалик психолог В. Жеймс ҳам ўз фикрларини айтиб ўтади, “В.Жеймс 1901-1902 йилларда Эдинбург университетида ўқиган дин психологиясига оид маърузаларидан сўнг, Европа психологлари диний эътиқоднинг психологик асослари таҳлилига эътиборни қаратиб, ўз изланишларини қайта кўра бошладилар. В. Жеймс диний эътиқод ҳақиқатларини асослашга ҳаракат қилиб уни фойдали ҳодисаларга тенглаштиради. Ҳақиқат амалий жиҳатдан ютуқли, фойдали бўлган ҳаракатлардир, дейди у. Фикр “ҳақиқатдир”. Чунки унга ишонч биз учун фойдалидир. Худого ва динга бўлган ишончнинг ҳақиқатлиги уларнинг инсон ҳаёти учун аҳамиятлилигидан келиб чиқади”⁴. Демак кўриб турганимиз каби диний эътиқод мазмун-моҳиятига нисбатан ҳам турлича қараш ва фикрлар мужассамлашган бўлиб, уларнинг баъзи бирларида биз ўрганаётган жиҳатга нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб боровчи мулоҳазаларга кўпроқ эътибор берилаётган бўлса, бошқа бир мутахассислар фикрича диний эътиқод мазмунида ҳақиқат ва ишонч ҳамда уларнинг инсон ҳаёти учун аҳамиятлиги сифатида намоён бўлади. Албатта юқоридаги қарашларга қўшимча қиладиган бўлсак, дин психологияси мазмунини куйидагича таърифланади, “Дин психологияси фанида диний эътиқод мазмунига Худо, диний онг, руҳ, савоб, гуноҳ, жаннат, дўзах каби диний категорияларни шунингдек, ибодат, тавба-тазарру, вақтида турли диний амалларни бажариш жараёнида диндор кечирадиган хиссий ҳолатлар киритилган.”⁵ Бундан

³ Валиев Б. [ва бошқ.]-Дин психологияси: ўқув қўлланма.- Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.-Б.42.

⁴ Валиев Б. [ва бошқ.]-Дин психологияси: ўқув қўлланма.- Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.-Б.43.

⁵ Маматов М. Дин психологияси: маърузалар матни.-Тошкент.Ислом Университети, 2014.-Б.93.

² Умаров Б.Суицидология:ўқув қўлланма.Тошкент.Ўз-ХИА, 2019-Б 184.

кўриниб турибдики диний эътикод ўз ичига теологик тушунчалар ва диний амаллар билан боғлиқ кечинмаларни ўзида акс эттирувчи кенг қамровли ҳодисалардан бири сифатида талқин этишимизга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Диний эътикод ва у билан боғлиқ жараёнлар таҳлилини давом эттирар эканмиз, диншуносликка оид китоблар ва Ислом дини таълимоти манбаларида эътикоднинг мазмуни ва у билан боғлиқ кечинмалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишимиз зарур. Мисол учун “Эътикод – дунёқараш, бирор динга эътикод қилиш, уни ҳақ деб билиш, уни таълимотини тан олиш”⁶. Ислом дини таълимотида эътикодий қарашлар мазмунида иймон, ишонч, шариат, тариқат, амал ва шу каби бошқа тушунчаларга алоқадор қарашларни келтириб ўтиш жоиз. Мисол тариқасида қуйидаги маълумотни келтириб ўтмоқчимиз “Аслида бирор бир нарсасида эътикод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиш керак. Таърифларнинг энг осони, энг шомили ва энг қисқаси аллома Али Қорининг «Ал-Фикҳул Акбар»га қилган шарҳининг такмиласида, 146-саҳифасида зикр қилинган таърифдир: «У бир илми, унда эътикод қилиш лозим бўлган нарсалар ҳақида баҳс қилинади». Бу илмнинг мақсади – динга бўлган ишончни, диний ақийдаларни қатъий далиллар ила исботлаш ва улар тўғрисидаги шубҳаларни рад қилишдир”⁷. Демак эътикод мазмун-моҳиятида динни англашга бўлган ҳаракатлар замирида юзага келувчи шубҳаларга нисбатан жавоб топиш ва ишончли далиллар воситисида шахсдаги маълум бир ғайритабиийликка нисбатан ишонч ҳиссининг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи жиҳат эканлиги ойдинлашади. Фикримизни давом эттирар эканмиз эътикод ва у билан боғлиқ жиҳатларга Ислом динида алоҳида ўрин берилганлигига амин бўламиз. Яни ҳар бир мусулмон кишига зиммасида эътикодий, амалий ва ахлоқий масалаларни ўрганиш ҳамда улар тақозосига кўра ҳаёт кечириш зарур ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб Ислом динидаги ҳукмлар учга ажратилади:

1. Эътикодга тегишли ҳукмлар;

2. Амалга тегишли ҳукмлар;
3. Ахлоққа тегишли ҳукмлар.

Қуйидаги манбада эътикодий ҳукмлар баёни келтирилади: “Эътикодий ҳукмлар деганда фақатгина ишониш ва қалбни унга мустаҳкам боғлаш лозим бўлган ҳукмлар тушунилади. Бу ҳукмларнинг аввалгиси Аллоҳ таолонинг борлигига, бирлигига, комил сифатлар билан сифатланганлигига иймон келтиришдир.

Соғлом ақида Ислом динининг асоси бўлгани учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам пайғамбар этиб юборилганидан сўнг деярли ўн уч йил давомида у зотга, асосан, ақидага тааллуқли ҳукмлар ваҳий қилинган.

Уламолар “Соғлом ақидани қичқача қилиб Аллоҳ таолога, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхшиси ҳам ёмони ҳам Аллоҳдан эканига ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга иймон келтиришдир”, деб тушуниш мумкин, деганлар”⁸

Тасаввуф таълимоти минг йиллардан бери кишиларни ўзининг юксак ижтимоий ахлоқий ва психологик хусусиятлари ва шу билан бир қаторда шахс эътикодий қарашларини ўзига ҳос тарзда таърифловчи сифатида ҳам номоён бўлиб келмоқда. Бунга сабаб тасаввуф таълимотида марказий ўринлардан бири сифатида қалб тушунилади ва айнан қалб орқали ғайб оламидаги сир асрорлардан хабардод бўлиш, роббисини англаб етиш мумкинлиги таъкидланади. Шундай экан шахснинг жамиятда ва турмушда бўлажак турли ҳилдаги вазиятларга нисбатан ўз қарашига эга бўлишида бу таълимотдаги кўргина жиҳатлар ўрнатқуч бўла олади. Мисол учун тасаввуфда қуйидагича тариф бор “Ўзини англаган, роббисини англабди”. Бундан кўриниб турибдики, инсон шахс сифатида аввало ўзини дунёга келишидан мақсадини англаб экан, у шахсда атроф олами англашга бўлган муносабатида ҳам ўзгариш юз беради. Чунончи шахсда билиш жараёнлари ҳамда ички имкониятлардан унумли фойдаланиш самарадорлиги маълум тартибда ва мутаносиб шаклда амалга ошириш имконига эга бўлади.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, диний таълимотларда “Диний амалларни жамоа

⁶ Йўлдошхўжаев Х. [ва бошқ.]-Диншунослик маърузалар матни: ўқув дастури. Тошкент:ФТДК, ДИТАФ, 2000.-Б.130.

⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф-Сунний ақийдалар. Тошкент:Ҳилол нашр, 2015.-Б.6-7.

⁸ Абдулқодир Абдур Раҳим-Динимиз аҳкомлари.Тошкент:Ғафур Ғулом,2018.-Б.3-7.

бўлиб бажариш, ибодат қилувчиларнинг ҳиссий ва руҳий кечинмаларини бир-бирига яқинлаштиради, яъни руҳий яқинликни вужудга келтириб, ҳиссий жиҳатдан тинчланиш ва хотиржамликка олиб келади. Диний ибодатларнинг психологик вазифаларидан бири ҳам, салбий кечинмаларни сусайтириш, тинчлантириш, руҳлантириш ва покланиш воситаси бўлиб хизмат қилишдан иборатдир. Ибодат қилувчи қалбан Аллоҳга таваккул қилиб, ундан мушкулотларини осон қилишини сўраб, илтижо қилади. Диний покланишнинг бутун моҳияти ҳам шунда, яъни ишончда, эътиқодда, руҳланишдадир⁹. Бундан кўриниб турибдики, шахсдаги ички кечинмалар ва атроф-муҳитдаги содир бўлажак ҳодисалар ўзаро бир-бири билан узвий боғланган ҳамда бу жараёнларнинг ўзаро таъсири натижасини инсонда турли кўринишдаги психологик кечинмаларнинг кечиши билан тавсифланиши мумкин.

Ёшлар ўзи яшаётган жамият ўзгаришларининг фаол иштирокчиси экан, унинг фаолиятини муайян ғояларга асосланган эътиқод ва ишонч бошқаради. Шу сабабли эътиқод тарбиясини шахс ҳаётининг болалик чоғидан бошлангани мақсадга мувофиқ. Агар биз эътиқод сўзига эътибор берсак унинг қуйидаги луғавий ва психологик маънолари борлигини биламиз. Эътиқод (арабча – ишонч, ишониш, кўнгилда тасдиқлаш, имон, маслак) дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қарашдир.¹⁰

Бизнинг диёрда истиқомат қилувчи кўпчилик аҳолининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, миллий тарбия тизимида ислом дини, таълимоти ва рукнлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда эътиқодий масалалар билан бир қаторда ота-она, фарзандлик бурчи, одоб-ахлоқ мавзусидаги масалаларда кўплаб психологик аҳамиятга эга жиҳатларни учратамиз. Мисол тариқасида Бухоро заминидан етишиб чиққан Ҳожа Абуҳолик Ғиждувоний Ҳожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бўлган ва тариқатдаги ўн битта қоидадан саккизтасини

ишлаб чиққан. Яна бир тариқатдаги устозларидан бўлмиш ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳисобланади. Ҳазрат Бухоро шахри яқинидаги Қасри Орифон кишлоғида таваллуд борганлар. Нақшбанд таълимотининг асосида» Қалбинг Аллоҳдан бўлсин-у, бўлинг ишда бўлсин» шиори ётади. Бу таълимот психологик нуқтаи назардан суфийларнинг ички руҳий захира ларини ишга тушуриш орқали, ўз-ўзини соғломлаштириш, назорат қилиш, бошқаришга эришиш билан руҳий қувватнинг ортишини таъминлаб, шахснинг ички кечинмаларини эзгулик томон ўзгартиришга йўналтирилган. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек «Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади»¹¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятимизнинг катта ва кичик аъзоларида айниқса, ёшлар онгида соғлом эътиқодни шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти кенг дунёқарашли, қобилиятли, истеъдодли кадрлар орқали юз беради. Ёшлар дунёқарашининг юксалиши натижасида уларнинг ўз кучи, имконияти билан озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, демократик, фуқаролик жамияти қуришга бўлган ишончи кучаяди. Ҳар бир мамлакат ўз миллий тараққиётида етишиб келаётган авлодининг кўплаб фазилатларни қамраб олган ижтимоий психологиясига таянади. Қадимги Шарқ ва Ғарбда, ўрта асрлар даврида, фанлар классификацияланишининг тараққиёт босқичларида, индустриал ва бугунги постиндустриал, ахборотлашган жамиятларда ҳам ўринбосар авлод ишончи, эътиқоди, психологияси ва дунёқараш масаласини тўғри ҳал қилишга бош масала сифатида қаралган. Етук, билимдон авлодни етиштириш учун уларнинг дунёқараш ва тафаккур тарзини шакллантиришга, ўрта, махсус ва олий ўқув юртларидаги таҳсилга эътибор берилган. Бугунги давр ҳам шундай талабдан ҳоли эмас. Фақат уни ўз вақтида кўра билиш, давр имкониятларига мувофиқлаштириб бориш катта муваффақиятларга олиб келади.

⁹ Валиев Б. [ва бошқ.]-Дин психологияси: ўқув қўлланма.- Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.-Б.90.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.- Б.68.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги сўзлаган нуткидан.